

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**
PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АМИНОВ ШЕРМУҲАММАД ҚАМБАРАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИСИТИЛМАЙДИГАН ПЛЁНКАЛИ
ИССИҚХОНАЛАРДА БОДРИНГНИНГ F₁ ДУРАГАЙЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Аминов Шермухаммад Қамбаралиевич

Ўзбекистонда иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодрингнинг F₁
дурагайлари етиштириш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Аминов Шермухаммад Қамбаралиевич

Совершенствование технологии выращивания гибридов F₁ огурцов в
необогреваемых плёночных теплицах Узбекистана..... 21

Aminov Shermuxammad Qambaralievich

Improving the technology of cultivating F₁ cucumber hybrids in unheated film
greenhouses..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**
PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АМИНОВ ШЕРМУҲАММАД ҚАМБАРАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИСИТИЛМАЙДИГАН ПЛЁНКАЛИ
ИССИҚХОНАЛАРДА БОДРИНГНИНГ F₁ ДУРАГАЙЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx844 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sabzavotilm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хакимов Рафиқжон Абдунабиевич, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Асадов Шухрат Исматович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Борасулов Акмал Миряимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлари институти

Диссертация ҳимояси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «23» октябр, соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКТИ. Тел: (+99871) 226-85-03; факс:(+99871) 226-85-03; e-mail: savzavot_info@umail.uz.

Диссертация билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5/2025-рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКТИ. Тел:(+99871) 226-85-03;

Диссертация автореферати 2025 йил «__» октябр куни тарқатилди.
(2025 йил _____ -рақамли реестр баённомаси).

Р.А.Низомов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

Ф.Ф.Расулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., катта илмий ходим

А.Ж.Шокиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сабзавотчилик тармоғида бодринг маҳсулотларини етиштириш майдони ва ҳажмини ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. «FAOSTAT»¹ томонидан 2022 йилда эълон қилинган маълумотларига кўра, бодрингни жаҳон бўйича ишлаб чиқарилиши 94,9 млн. тоннани ташкил этган. Бодринг маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича етакчи Хитой (77,3 млн. т), Туркия (1,9 млн. т.), Россия (1,6 млн. т.), Мексика (1,1 млн. т.) каби мамлакатларни киритиш мумкин. Иссиқхоналарда бодринг етиштиришда етакчи бўлган Нидерландияда ҳосилдорлик 635,1 т/га, Исландияда 521,5 т/га, Буюк Британияда 508,3 т/га ва Уммонда 500,0 т/га ташкил этган бир пайтда, дунё мамлакатлари миқёсида бу экиннинг ўртача ҳосилдорлиги 60,2 т/га тенг. Бодрингнинг турли тупроқ-иқлим шароитларда иссиқхоналарда етиштиришга мос, ҳосилдор касаллик ва зараркунандаларга чидамли дурагайларини жорий қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда инсон организми учун озиқ моддалар ва витаминларга бой бодринг маҳсулотини етиштиришда етакчилик қилаётган Хитой, Туркия, Россия, Мексика ва Европа мамлакатларида бодрингни йил давомида иситиладиган ва иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштириш учун нав ва дурагайларни яратиш, етиштириш, озиқлантириш, сақлаш технологиялари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Нидерландия, Германия, Италия, Исландия, Белгия, Италия, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлатларда бодрингни замонавий иссиқхоналарда дурагайлардан фойдаланган ҳолда етиштирилади. Ушбу давлатларда бодринг етиштириш, ички ва ташқи бозор талабларини қондириш, етарли миқдорда маҳсулот билан таъминлаш борасида кўплаб ютуқларга эришилган бўлсада, иситилмайдиган иссиқхоналарга мос янги дурагайларни яратиш ва интенсив технологияларни ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда иссиқхоналарда бодринг экинини етиштиришнинг умумий майдони 972 гектар, яъни ҳосил 63,4 минг тонна ва ўртача ҳосилдорлик 65,2 т/га ни ташкил қилди. Маълумки, бодринг экинни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда экспорт қилинувчи сабзавотларни топ-10 талигига киради. Мамлакатимизда иссиқхоналарни ташкил этишни кенгайтириш, уларда бодринг каби энг кўп талаб қилинадиган экинни етиштириш, мамлакатимиз аҳолисини соғлом овқатланиш турмуш тарзини таъминлашда сабзавот экинларини ҳажмини кўпайтириш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, иситилмайдиган иссиқхоналарда бодрингнинг янги дурагайларини ўрганиш ва жорий қилиш, уларни мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш ҳамда мульчалош ёрдамида юқори ҳосил етиштиришни ишлаб чиқиш долзарб илмий йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга

¹ <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5388-сонли² фармони, 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сонли³, 2023 йил 7 июлдаги «Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-216-сонли⁴ қарорлари, 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида” ги ПФ-158-сонли Фармони⁵ мазкур фаолиятга тегишли меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бодрингни иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштиришга мос юқори ҳосилдор нав ва дурагайларни танлаш, мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш, мульчалошни маҳсулот етиштиришга таъсири бўйича хорижий олимлардан P.Athanasios, S.Bahare, Ç.Recep, L. Chen, I.Arshad, C.W.Todd, G.Nihat, S.Tatsuo, A.J.Khurana, M.V.Singh, S.Kishor, A.T.Лебедева, С.Д.Лысогоров, А.С.Болотских, Н.В.Белов, республикамиз тупроқ-иқлими шароитида В.И.Зуев, В.Я.Волков, М.Я.Мухина, Л.С.Ищенко, Р.Ғаниходжаева, Н.С.Бақурас, К.К.Луценкова, Д.Б.Катанов каби олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бироқ, Ўзбекистон шароитида бодринг маҳсулотини иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштиришга мос дурагайларни танлаш, экиш муддати ва схемасини аниқлаш, мульчалошни ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш бўйича илмий ишлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ва КХ-А-КХ-2018-118 ”Сабзавот, полиз экинларини транспортбоп, экспорт учун мос, мева сифати яхши, юқори ҳосилдор, касалликларга чидамли навларини яратиш” (2018-2020 йй) мавзудаги амалий ва КХ-И-КХ-2018-24 “Бодрингнинг иссиқхона учун мўлжалланган янги Сардор F₁ дурагайи уруғчилигини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш” (2018-2019 йй.) мавзусида инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон тупроқ-иқлими шароитида бодринг (*Cucumis sativus* L.) нинг иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда

² <https://lex.uz/ru/docs/3604601>

³ <https://lex.uz/uz/docs/4641164>

⁴ <https://lex.uz/docs/6527947>

⁵ <https://www.lex.uz/ru/docs/6600413>

етиштиришга мос юқори ҳосилли дурагайларини танлаш ва етиштириш технологиясининг муҳим элементларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

бодрингнинг маҳаллий ва хорижий F_1 дурагайларини ўрганиш ҳамда истиқболлиларини танлаш;

юқори ва сифатли ҳосил олиш учун бодрингнинг F_1 дурагайларини баҳорги мавсумда экишнинг мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

бодринг F_1 дурагайларини мақбул экиш схемасини аниқлаш;

бодрингнинг F_1 дурагайларини мульчалошни ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш;

истиқболли F_1 дурагайларни, мақбул экиш муддатлар ва схемаларни, турли мульчалош усулларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бодрингнинг маҳаллий ва хорижий давлатларнинг 20 та F_1 дурагайлари уруғи ва кўчатлари, экиш схемалари (80x30; 80x40; 80x50; 80x60 см), мульчалош материаллар ҳамда иситилмайдиган иссиқхоналар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети плёнкали иситилмайдиган иссиқхонада экиб етиштириш учун мос навларни танлаш ҳамда танлаб олинган дурагайларни экиш муддатлари ва экиш схемалари, турли мульчалош усулларини ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Иссиқхона ва лаборатория тадқиқотлари “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б., 2002), “Методика полевого опыта в овощеводстве” (Литвинов С.С., 2011), “Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции огурца” (Брежнев Д.Д., 1977), “Методические рекомендации по проведению опытов с овощными культурами в сооружениях защищенного грунта” (Ващенко С.Ф., 1976) каби услубий қўлланмалари асосида олиб борилган ва натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985 й.) дисперсион таҳлил услубида амалга оширилган. Иқтисодий самарадорлик «Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар» (2016-2020 йиллар учун) асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор иситилмайдиган плёнкали иссиқхона шароитида бодрингни 20 та F_1 дурагайларининг морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгилари комплекс баҳолашиб, эртапишарлиги бўйича Хон F_1 (55 кун); ҳосилдорлиги бўйича Фонтин F_1 , Даяра F_1 ва Сардор F_1 дурагайлари 16,2-16,7 кг/м² ёки назоратга нисбатан 111,0-114,8% юқори ҳосил бериши аниқланган;

иситилмайдиган иссиқхона шароитида бодрингни етиштиришда уруғларни феврал ойининг биринчи ўн кунлигида ва кўчатларни март ойининг биринчи ўн кунлигида экилганда энг юқори ҳосил Сардор F_1 дурагайида 16,1 кг/м² (ёки назорат 20-мартга нисбатан 115,5%) ва Орзу F_1 дурагайида 15,6 кг/м² (ёки назорат 20-мартга нисбатан 115,1%) олинishi исботланган;

Сардор F_1 ва Орзу F_1 дурагайларини 80x40 см схемада экилганда, ҳосилдорлик назорат (80x50 см) вариантга нисбатан мос равишда 117,8-115,2%

(16,4-16,1 кг/м²) юқори бўлиши аниқланган;

илк бор бодрингнинг Орзу F₁ ва Сардор F₁ дурагайларини мулчалашни ҳосилдорликка таъсирини ўрганишда назорат оддий усулда етиштиришга (14,5-14,9 кг/м²) нисбатан қора плёнка билан мулчалаб етиштиришда энг юқори ҳосил (17,0-17,3 кг/м² ёки 117,5-116,1%) олиниши исботланган;

рентабеллик даражаси истиқболли F₁ дурагайларни ўрганишда назорат Орзу F₁ дурагайида 95,1%, Даяра F₁, Сардор F₁ ва Фонтина F₁ дурагайларида 116,4-123,1%; бодрингни Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларини етиштиришда мақбул экиш муддати 10 мартда 115,4-109,7%; 80х40 см оптимал экиш схемасида 120,0-115,8% мос равишда энг юқори бўлганлиги ва қора плёнка ишлатилганда 123,5-119,8% бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор бодрингнинг 20 та маҳаллий ва хорижий F₁ дурагайлари экилиб, бир-биридан устунлик кўрсаткичлари ўрганилганида, юқори натижалар Даяра F₁, Сардор F₁, Фонтина F₁ дурагайларида кузатилди. Бир тупда мева вазни стандарт Орзу F₁ (4,7 кг) дурагайига нисбатан юқори Даяра F₁ дурагайида 5,2 кг (111,1%), Фонтина F₁ дурагайида 5,3 кг (112,7%) ва Сардор F₁ дурагайида 5,4 кг (114,8%) бўлганлиги аниқланган;

бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларини турли муддатларда экишнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганилганида, юқори натижалар 10 март муддатида экилганида кузатилиб, бир ўсимликда мевалар вазни Сардор F₁ дурагайида 5,2 кг ва Орзу F₁ дурагайида 5,0 кг ташкил қилди ёки назорат 20 март муддатига нисбатан 115,5%-115,1% юқори натижа кўрсатди. Ҳосилдорлиги Сардор F₁ дурагайида 16,1 кг/м² ва Орзу F₁ дурагайида 15,7 кг/м² қайд этилган;

бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларини турли схемаларда экишнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганилганида, юқори кўрсаткичлар кўчатлар 80х40 см схемада экилган вариантда кузатилди. Бунда Сардор F₁ дурагайида 16,4 кг/м² ва Орзу F₁ дурагайида 16,1 кг/м² натижа кўрсатганлиги қайд этилди ёки 80х50 схемада экилган назорат вариантга нисбатан Сардор F₁ дурагайида 2,5 кг/м² (117,8%) ва Орзу F₁ дурагайи 2,1 кг/м² (115,2%) қўшимча ҳосил етиштирилгани аниқланган;

илк бор бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларини турли мулчалаш усулларида экиб етиштиришнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганилганида, юқори натижалар ҳар икки дурагайда ҳам қора плёнка билан мулчалаб етиштирилганида кузатилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Сардор F₁ дурагайида 17,2 кг/м² ва Орзу F₁ 17,0 кг/м² қайд этилган. Оддий усулда етиштирилган назорат вариантга нисбатан Сардор F₁ дурагайи 2,4 кг/м² (116,1%) ва Орзу F₁ 2,6 кг/м² (117,5%) қўшимча ҳосил қайд этилди.

иситилмайдиган иссиқхона шароитида бодринг дурагайларини етиштиришнинг айрим элементларини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланганида, танлов нав синаш бўйича юқори рентабеллик кўрсаткичи Сардор F₁ дурагайида (123,1%) кузатилиб, Орзу F₁ дурагайига нисбатан 28,0 фоизга юқори бўлди. Экиш муддатлари бўйича юқори рентабеллик кўрсаткичи 10 март муддатида кузатилиб, Сардор F₁ дурагайида

115% ёки назорат 20 март муддатига нисбатан 27,1 фоизга, Орзу F₁ дурагайида 109,7% ёки 25,7 фоизга, экиш схемалари бўйича юқори рентабеллик кўрсаткичи 80x40 см схемада бўлиб, Сардор F₁ дурагайида 120% ёки 80x50 см схемада экилган назорат вариантга нисбатан 26,3 фоизга ва Орзу F₁ дурагайида 115,8% ёки 21,3 фоизга ортиқ бўлди. Мульчалаб етиштириш бўйича юқори рентабеллик даражаси қора плёнка билан мульчаланган вариантда қайд этилиб, Сардор F₁ дурагайида 123,5% ёки оддий усулда етиштирилган назорат вариантга нисбатан 24,4 фоизга ва Орзу F₁ дурагайида 119,8% ёки 26,1 фоизга юқори бўлганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республикаимизнинг марказий минтақалари шароитида бодринг дурагайлари иситилмайдиган иссиқхоналар шароитида етиштиришда экиш муддатлари, экиш схемалари ва мулчаб етиштириш усуллари кўчатларнинг тутувчанлигига, ўсиб ривожланишига, биометрик кўрсаткичларига, ҳосил элементларининг шаклланишига ва меваларнинг морфологик тузилишига, мева вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига ҳамда меваларнинг биокимёвий сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, иситилмайдиган иссиқхона шароитида бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайлари 10 март муддатида экиш ҳосилдорлик Сардор F₁ дурагайида 16,1 кг/м², рентабеллик даражасини 115,4%, Орзу F₁ дурагайида 15,7 кг/м², рентабеллик даражасини 109,7% бўлишини таъминласа, кўчатларини 80x40 см схемада экиб парвариш қилиш ҳосилдорлик Сардор F₁ дурагайида 16,4 кг/м², рентабеллик даражасини 120,0%, Орзу F₁ дурагайида 16,1 кг/м², рентабеллик даражасини 115,8% гача, бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайлари қора плёнка билан мулчаб етиштириш технологияси қўлланилганида эса ҳосилдорлик Сардор F₁ дурагайида 17,2 кг/м², рентабеллик даражасини 123,5%, Орзу F₁ дурагайида 17,0 кг/м², рентабеллик даражасини 119,8% гача ортиши бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда етиштиришга мос юқори ҳосилли бодринг дурагайлари танлаш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

2019-2021 йилларда Андижон вилоятининг Андижон тумани, Фарғона вилоятининг Қува тумани ва Наманган вилоятининг Норин туманларидаги

сабзавот экинларини иссиқхонада етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги майдонларида жами 9,1 гектар майдондаги иситилмайдиган иссиқхоналарда этиштиришга мос бодриннинг маҳаллий ва хорижий дурагайлари, мақбул экиш муддати ва схемалари бўйича илмий-тадқиқот иши натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги № 07/33-04/2238-сонли маълумотномаси).

иситилмайдиган иссиқхонада етиштиришга мос маҳаллий ва хорижий бодринг дурагайлари танилаш бўйича тадқиқот натижаларига кўра, Андижон вилояти Андижон туманидаги “Мирза уруғчи элита” фермер хўжалигида 0,5 гектар, Фарғона вилояти Қува туманидаги “Садриддин ота” фермер хўжалигида 1,0 гектар, Наманган вилояти, Норин туманидаги “Неъматжон қизи Гавхарой”, “Шавкат Шахбоз”, “Фахриддин Иқбол” фермер хўжаликларида 1,0 гектар жами 2,5 гектар майдонларда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги № 07/33-04/2238-сонли маълумотномаси). Натижада Сардор F₁ дурагайида ҳосилдорлик 15,5 кг/м², жами даромад гектарига 304-365 млн. сўмни ташкил этган. Бодриннинг хорижий Орзу F₁ дурагайида ҳосилдорлик 14,8 кг/м², 292-370 млн. сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилган;

бодрингни энг мақбул 10 март экиш муддати Андижон вилояти Андижон туманидаги “Эколин Анд” фермер хўжалигида 1,0 гектар, Фарғона вилояти Қува туманидаги “Нодирбек” фермер хўжалигида 0,9 гектар, Наманган вилояти, Норин туманидаги “Неъматжон қизи Гавхарой”, “Шавкат Шахбоз”, “Фахриддин Иқбол” фермер хўжаликларида 1,0 гектар жами 2,9 гектар майдонларда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги № 07/33-04/2238-сонли маълумотномаси). Натижада Сардор F₁ дурагайида ҳосилдорлик 15,5 кг/м², жами даромад гектарига 304-365 млн. сўмни ташкил этган;

бодрингни етиштиришда аниқланган мақбул 80×40 см экиш схемаси Андижон вилояти, Андижон туманидаги “Андижон сара гибрид уруғлари” фермер хўжалигида 1,5 гектар, Фарғона вилояти Қува туманидаги “Икромжон Акрамов” фермер хўжалигида 1,2 гектар, Наманган вилояти, Норин туманидаги “Неъматжон қизи Гавхарой”, “Шавкат Шахбоз”, “Фахриддин Иқбол” фермер хўжаликларида 1,0 гектар жами 3,7 гектар майдонларда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги № 07/33-04/2238-сонли маълумотномаси). Бунда Сардор F₁ дурагайида ҳосилдорлик 15,4 кг/м², жами даромад гектарига 310-754 млн. сўмни ташкил этган;

иссиқхона хўжаликлари учун “Ўзбекистонда иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодриннинг F₁ дурагайлари етиштириш технологияси” мавзусида тавсиянома ишлаб чиқилган ва чоп этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13-апрелдаги №07/33-04/2238-сонли маълумотномаси). Натижада республикадаги қишлоқ хоўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар мазкур тавсияномадан иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодринг етиштиришда фойдаланмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тажрибалар Қишлоқ

хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тажриба натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан хорижий журналларда 1 та, республика миқёсидаги журналларда 2 та, илмий-оммабоп журналда 1 та, маҳаллий конференцияларда 2 та, хорижий конференцияларда 2 та ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, хулоса ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий-тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Бодрингнинг келиб чиқиши, классификацияси, экиш муддатлари, схемаси ва мульчалошга оид илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида бодрингнинг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда чет эллик олимларнинг маълумотларига асосланиб бодринг ўсимлигининг морфобиологик тавсифи, дунёнинг турли минтақаларида уни етиштириш технологияси, жумладан ҳимояланган майдонларда экиш муддатлари ва схемалари, кенг тарқалган нав ва дурагайлари тавсифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, ўсимликларнинг ўсиб ривожланиш давриларида олиб борилган фенологик кузатувлар ҳамда биокимёвий таҳлиллар услубномалари бўйича маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотлар 2019–2021 йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тажриба станциясида бажарилган. Дала тажрибалари Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Шохислом орзу келажаги” фермер хўжалигининг иситилмайдиган

иссиқхонаси шароитида олиб борилди.

Диссертациянинг **“Иситилмайдиган плёнкали иссиқхонада етиштиришга мос бодринг дурагайларини танлаш”** деб номланган учинчи бобида иситилмайдиган плёнкали иссиқхонада бодрингнинг маҳаллий ва хорижий дурагайларини агробиологик баҳолаш ва танлов синови бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган. Ушбу бобда тадқиқотлар мавзуси юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказилиш усуллари, дала тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Тажрибалар иситилмайдиган полиэтилен қопламаси билан ёпилган ангар русумли иссиқхонада ўтказилган. Тажрибаларда бодрингнинг маҳаллий ва хорижий селекциясига мансуб 20 та, жумладан, Ўзбекистон – 9 та, Нидерландия – 6 та, Жанубий Корея – 3 та, Россия ва Германиянинг биттадан партенокарпик дурагайлари синалди. Ушбу дурагайларга Орзу F₁ дурагайи назорат нав сифатида олинган.

Дурагай ниҳолларининг униб чиқиши бўйича кузатувлар олиб борилганида, 10 фоиз униб чиқиши учун Чемпион F₁ дурагайи 5 кун сарфланган бўлса, қолган барча дурагайлар 4 кунда униб чиқди. Ниҳолларнинг 75 фоизи униб чиқиши Орзу F₁ (назорат), Дурафшон F₁, Даяра F₁, Хон F₁, Осиё F₁, Баҳора F₁, Сардор F₁, Эспанада F₁, Пиколино F₁, Фонтин F₁, Искандар F₁, Хоплайн F₁, Акцент F₁, Нано (304) F₁ дурагайлари 6 кун, Элегант F₁, Ягона F₁, Чемпион F₁, Азамат F₁, Аванте F₁, Колет F₁ дурагайлари 7 кун сарф қилганлиги кузатилган.

Меваларнинг 75 фоиз техник етилиши учун сарфланган кунлар таҳлил қилинганда Хон F₁ дурагайи 55 кун, Даяра F₁, Осиё F₁, Баҳора F₁, Эспанада F₁, Пиколино F₁, Фонтин F₁, Акцент F₁ дурагайлари 57 кун, Дурафшон F₁, Сардор F₁, Искандар F₁ дурагайлари 58 кун, Орзу F₁ (назорат), Элегант F₁, Ягона F₁, Азамат F₁, Хоплайн F₁ дурагайлари 59 кун, Нано (304) F₁ дурагайи 60 кун, Чемпион F₁, Аванте F₁ дурагайлари 61 кун, Колет F₁ дурагайи 62 кун вақт сарфлагани аниқланган.

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, дурагайлар ичида мевалари энг эрта этилгани Хон F₁ дурагайида кузатилиб, бошқа дурагайларга нисбатан 2 кундан 7 кунгача эрта этилгани қайд этилган.


Кўчат экилганининг 70 кунини дурагайларнинг биометрик кўрсаткичлари ўрганилганида, поя баландлиги назорат Орзу F₁ бўйи 255 см бўлиб, унга нисбатан бўйи баланд (101,2-103,9%) ўсимликлар Даяра F₁, Баҳора F₁, Сардор F₁, Азамат F₁, Пиколино F₁, Фонтин F₁, Аванте F₁ дурагайларида кузатилди. Ён шохлар сони назорат Орзу F₁ дурагайида 19 дона бўлган бўлса, Даяра F₁, Сардор F₁, Пиколино F₁, Фонтин F₁, Азамат F₁ дурагайларида 21-23 донани ташкил қилди. Элегант F₁, Хон F₁, Баҳора F₁, Аванте F₁, Колет F₁ дурагайларида назорат билан тенг (19-20 дона) ва қолган дурагайларда ён шохлар сони назоратдан паст 11–18 та бўлганлиги кузатилган.

Битта тупда назорат Орзу F₁ дурагайида 32 дона барг шаклланган бўлса,

Даяра F₁, Баҳора F₁, Сардор F₁, Азамат F₁, Пиколино F₁, Аванте F₁, Фонтина F₁ дурагайларида (34–36 дона) 2-4 дона ёки 106,3-112,5% ортиқ. Ўсимликларда барг сатҳи майдони дурагайларда турлича бўлди. Назорат Орзу F₁ дурагайида 66 дм² бўлган бўлса, Даяра F₁, Сардор F₁, Азамат F₁, Фонтина F₁ дурагайларида 68,2- 75 дм² ёки 103,3-113,6% га юқори бўлди. Назоратга яқин Хон F₁, Аванте F₁ дурагайлари (66,2-67,7 дм²), қолган дурагайларда назорат Орзу F₁ дурагайига нисбатан кичик бўлди ва 80,3-97,0% ташкил қилди.

Оналик гуллар назорат Орзу F₁ дурагайида битта ўсимликда 46 дона бўлган бўлса, Даяра F₁, Сардор F₁, Пиколина F₁, Фонтина F₁, дурагайларида 49-52 дона ёки 3-6 дона ортиқ бўлди. Дурафшон F₁, Баҳора F₁, Азамат F₁, Аванте F₁ дурагайларида назорат билан тенг 45-46 дона ва қолган дурагайлар назоратдан 2-5 тага кам бўлди.

Дурагайларнинг ҳосилдорлиги назорат Орзу F₁ дурагайида 14,6 кг/м² бўлган бўлса, Пиколино F₁, Фонтина F₁, Даяра F₁ ва Сардор F₁ дурагайларида 15,4-16,7 кг/м² ёки 105,6-114,8% юқори. Назоратга тенг Элегант F₁, Хон F₁, Баҳора F₁, Азамат F₁, Аванте F₁, Искандар F₁ дурагайларида 14,3-15,0 кг/м² кузатилди. Қолган дурагайлар назоратдан кам бўлди. (1- расм).



1-расм. Иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодрингнинг F₁ дурагайларини ҳосилдорлиги, кг/м² (2019–2021 йй.).

Таҳлиллар кўрсатишича бодринг таркибидаги қуруқ модданинг энг кўпи Ягона F₁, Колет F₁, Сардор F₁ ва Фонтина F₁ дурагайларида 7,2-7,4% бўлган, назорат Орзу F₁ дурагайига яқин Даяра F₁, Осие F₁, Искандар F₁, Чемпион F₁, Азамат F₁, Хоплайн F₁ дурагайларида 6,9-7,1%, қолган дурагайларда қуруқ модда кўрсаткичлари назоратдан кам (6,2-6,8%) бўлган.

Умумий қанд миқдори назорат Орзу F₁ дурагайида 2,3% бўлган бўлса, ундан юқори Дурафшон F₁, Сардор F₁, Аванте F₁, Фонтина F₁ ва Искандар F₁ дурагайларида 2,4-2,5%, унга тенг ва яқин бўлган Даяра F₁, Осие F₁, Баҳори F₁,

Пиколино F₁, Хоплайн F₁ ва Колет F₁ дурагайларида 2,2-2,3% дан бўлган. Умумий

қанд бўйича қолган дурагайларнинг кўрсаткичлари назоратдан паст 1,7-2,1% бўлди.

Аскорбин кислота миқдори назорат Орзу F₁ дурагайида 9,5 мг/% бўлган. Унга нисбатан Даяра F₁, Баҳора F₁, Сардор F₁, Азамат F₁, Пиколино F₁ дурагайларида аскорбин кислота миқдори юқори - 9,8-10,2 мг/% ташкил қилди. Назоратга яқин ва тенг Осиё F₁, Эспенада F₁, Фонтина F₁ дурагайларида кузатилди.

Тажрибалар натижасида 2019 йилда ажратиб олинган бодрингнинг истиқболли Даяра F₁, Сардор F₁, Фонтина F₁ дурагайлари андоза Орзу F₁ дурагайи билан танлов синови ўтказилди.

Бу тажрибада уруғларнинг униб чиқишида фарқлар кузатилмади. Аммо, оналик гуллари 75% очилиш куни ҳисобга олинганида, андоза Орзу F₁ дурагайида 50 кун сарфланган бўлса, Даяра F₁ дурагайида 51 кун, Сардор F₁ дурагайида 48 кун, Фонтина F₁ дурагайида 49 кун сарфланди. Меваларнинг 75% техник етилгунига қадар андоза Орзу F₁ дурагайида 60 кун сарфланган бўлса, Даяра F₁ дурагайида 61 кун, Сардор F₁ дурагайида 59 кун, Фонтина F₁ дурагайида 61 кун вақт сарфлангани кузатилган.

Ушбу дурагайларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганиб чиқилганида, андоза Орзу F₁ дурагайида 14,5 кг/м², Даяра F₁ дурагайида 16,4 кг/м², Сардор F₁ дурагайида 17,1 кг/м², Фонтина F₁ дурагайида 16,5 кг/м² ни ташкил этиб, андоза Орзу F₁ дурагайига нисбатан Даяра F₁ дурагайида 1,9 кг/м² (112,7%), Сардор F₁ дурагайида 2,6 кг/м² (117,5%), Фонтина F₁ дурагайида 2,0 кг/м² (113,7%) гача юқори натижа кўрсатгани аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодрингнинг F₁ дурагайларини ҳосилдорлиги (2020–2021 йй.)

Дурагайлар номи	Умумий ҳосилдорлик, кг/м ²				Товар ҳосилдорлик, %
	2020 й.	2021 й.	ўртача	назоратга нисбатан	
Орзу F ₁ (назорат)	14,1	15,0	14,5	100,0	94,3
Даяра F ₁	15,9	16,9	16,4	112,7	95,4
Сардор F ₁	16,7	17,5	17,1	117,5	97,1
Фонтина F ₁	16,0	17,1	16,5	113,7	95,8
ЭКМФ ₀₅	0,5	0,3			
S \bar{x} %	3,2	2,1			

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, ҳар икки тажрибада ҳам бошқа дурагайларга нисбатан Сардор F₁ дурагайи ҳосилдорлик жиҳатидан ўзининг

устунлигини кўрсатди.


Диссертациянинг **“Иситилмайдиган плёнкали иссиқхонада бодринг дурагайларини етиштиришнинг айрим элементларини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобида бодринг дурагайларини иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда мақбул экиш муддатлари, схемалари ва мулчалаб етиштириш технологиясини қўллашнинг ҳосилдорликка таъсири бўйича олинган натижалар баён этилган.

Бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларини 1 март, 10 март, 20 март (назорат) ва 1 апрел муддатларида экиб ўрганилганида, экилган кўчатларнинг оналик гуллари 75% очилишига 1 март муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 51 кун, Орзу F₁ дурагайида 52 кун, 10 март муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 48 кун, Орзу F₁ дурагайида 49 кун, 20 март (назорат) муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 48 кун, Орзу F₁ дурагайида 46 кун, 1 апрел муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 45 кун, Орзу F₁ дурагайида 44 кунни ташкил қилди. Меваларни 75% техник этилишига эса 1 март муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 62 кун, Орзу F₁ дурагайида 61 кун, 10 март муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 58 кун, Орзу F₁ дурагайида 58 кун, 20 март (назорат) муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 55 кун, Орзу F₁ дурагайида 56 кун, 1 апрел муддатида экилганида Сардор F₁ дурагайида 52 кун, Орзу F₁ дурагайида 54 кун сарфлангани аниқланган.

Дурагайлар кўчатлари экилганининг 70 куни кўчатларнинг ўсиб ривожланиши экиш муддатлари кесимида ўрганиб чиқилганида, юқори натижалар 10 март муддатида экилган вариантларда кузатилиб, поя баландлиги 20 март муддатида экилган назорат вариантга нисбатан Сардор F₁ дурагайида (272 см) 10,7 см, Орзу F₁ дурагайида (256,4 см) 5,2 см, бир тупда ён шохлар сони Сардор F₁ дурагайида (23,2 дона) 2,1 дона, Орзу F₁ дурагайида (21,3 дона) 2,3 дона, барглари сони Сардор F₁ дурагайида (36,5 дона) 2,5 дона, Орзу F₁ дурагайида (35,5 дона) 1,5 дона, оналик гуллари Сардор F₁ дурагайида (69,4 дона) 5,3 дона, Орзу F₁ дурагайида (68,6 дона) 4,1 дона, барг сатҳи майдони Сардор F₁ дурагайида (55,3 дм²) 4,1 дм², Орзу F₁ дурагайида (48,7 дм²) 3,3 дм² юқори бўлганлиги қайд этилган.

Дурагайларнинг бир тупдаги мевалар сони, вазни ва умумий вазни кўрсаткичлари аниқланганида ҳам юқоридаги қонуниятларга мос равишда маълумотлар олиниб, кўчатлар 10 март муддатида экилганида 20 март (назорат) муддатида экилган вариантларга нисбатан бир тупда мевалар сони Сардор F₁ дурагайида (51,5 дона) 6,0 донага, Орзу F₁ дурагайида (50,2 дона) 5,7 донага, бир тупда мевалар вазни Сардор F₁ дурагайида (5,2 кг/м²) 0,7 кг/м², Орзу F₁ дурагайида (5,0 кг/м²) 0,6 кг/м² юқори бўлганлиги аниқланган.

Дурагайларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида юқори ҳосилдорлик 10 март муддатида экилган вариантларда қайд этилиб, кўчатлар 20 март (назорат) муддатида экилган вариантларга нисбатан Сардор F₁ дурагайида (16,1 кг/м²) 2,1 кг/м², Орзу F₁ дурагайида (15,7 кг/м²) 2,1 кг/м² юқори бўлганлиги қайд этилган (2 расм).



2-расм. Турли муддатларда экилган бодринг дурагайларининг умумий ва товар ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)

Бодрингнинг Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда мақбул экиш схемасини ишлаб чиқиш бўйича кўчатлар 80×30, 80×40, 80×50 (назорат), 80×60 см схемаларда экиб, тажриба олиб борилди. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, кўчатларнинг экилганига 70 кун бўлганида, юқори поя баландлиги кўчатлар 80х30 см схемада экилганида кузатилиб, кўчатлар 80х50 см схемада экилган назорат вариантга нисбатан Сардор F₁ дурагайида (282 см) 115,2%, Орзу F₁ дурагайида (290,1см) 123,4% юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, кўчатлар 80х60 см схемада экилганида кўчатлар 80х50 см схемада экилган назорат вариантга нисбатан бир тупдаги ён шохлар сони Сардор F₁ дурагайида (26,0 дона) 104,0%, Орзу F₁ дурагайида (26,3 дона) 109,6%, барглари сони Сардор F₁ дурагайида (39,7 дона) 106,4%, Орзу F₁ дурагайида (39 дона) 106,3%, барг сатҳи майдони Сардор F₁ дурагайида (73,2 дм²) 102,4%, Орзу F₁ дурагайида (72,3 дм²) 103,1%, оналик гуллари Сардор F₁ дурагайида (78,2 дона) 104,8%, Орзу F₁ дурагайида (75,0 дона) 108,9% юқори бўлди.

Ўсув даврининг охирида 80х60 см схемада бир тупда мевалар сони Сардор F₁ дурагайида (56,6 дона) 106,7%, Орзу F₁ дурагайида (55,5 дона) 104,0%, бир дона мева вазни Сардор F₁ дурагайида (111,6 г) 106,0%, Орзу F₁ дурагайида (108,5 г) 105,3%, бир тупда мева вазни Сардор F₁ дурагайида (6,3 кг/м²) 113,2%, Орзу F₁ дурагайида (6,1 кг/м²) 109,5% юқори натижа кўрсатгани кузатилган.


Дурагайларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилганида, юқори ҳосилдорлик кўчатлар 80х40 схемада экилган вариантларда аниқланиб, Сардор F₁ дурагайида 16,4 кг/м² ёки кўчатлар 80х50 см схемада экилган назорат вариантга нисбатан 117,8%, Орзу F₁ дурагайида 16,1 кг/м² ёки 115,2% юқори бўлганлиги қайд этилди (2-жадвал).

**Турли экиш схемаларида экилган бодрингнинг ҳосилдорлик
кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)**

Экиш схемалари	Ҳосилдорлик							
	2019 й.		2020 й.		2021 й.		ўртача	
	кг/м ²	назоратга нисбатан, %						
Сардор F₁								
80x30 см	15,8	114,2	16,5	122,1	16,0	110,8	16,1	115,6
80x40 см	16,2	117,1	15,7	116,5	17,3	119,6	16,4	117,8
80x50 см (назорат)	13,9	100,0	13,5	100,0	14,4	100,0	13,9	100,0
80x60 см	12,5	90,6	12,3	91,5	13,1	90,6	12,6	90,9
ЭКМФ ₀₅	0,4		0,5		0,4			
S \bar{x} %	3,0		3,4		2,4			
Орзу F₁								
80x30 см	15,3	107,9	15,6	112,5	16,0	115,7	15,6	112,0
80x40 см	16,1	113,3	15,7	113,6	16,4	118,8	16,1	115,2
80x50 см (назорат)	14,2	100,0	13,8	100,0	13,8	100,0	14,0	100,0
80x60 см	12,0	84,8	12,1	87,3	12,7	91,8	12,3	87,9
ЭКМФ ₀₅	0,4		0,4		0,5			
S \bar{x} %	2,7		3,0		3,7			

Дурагайлар кўчатларини очик усулда (назорат) ва қора плёнка, оқ спандбонд, қора спандбонд ёрдамида мулчалаб етиштириш бўйича олиб борилган тажрибада юқори натижалар кўчатлар қора плёнка билан мулчаланган вариантда кузатилиб, кўчатлар экилганнинг 70 кунини очик усулда етиштирилган назорат вариантга нисбатан поя баландлиги Сардор F₁ дурагайида 287,7 см (117,1%), Орзу F₁ дурагайида 281,1 см (115,4%), ён шоҳлар сони Сардор F₁ дурагайида 21,3 дона (110,3%), Орзу F₁ дурагайида 20,8 дона (108,9%), барглари сони Сардор F₁ дурагайида 35,1 дона (109,3%), Орзу F₁ дурагайида 34,9 дона (109,1%), оналик гуллари Сардор F₁ дурагайида 57,5 дона (114,8%), Орзу F₁ дурагайида 57,2 дона (115,1%), бир туп ўсимликда барг сатҳи Сардор F₁ дурагайида 77,1 дм²/туп (112,6%), Орзу F₁ дурагайида 75,2 дм²/туп (110,4%) натижа кўрсатди.

Мевалар сони бўйича қора плёнкада Сардор F₁ дурагайида 56,3 дона (116,6%), Орзу F₁ дурагайида 55,3 дона (115,7%), бир дона мева вазни Сардор F₁ дурагайида 102,5 г (104,6%), Орзу F₁ дурагайида 102,3 г (105,5%), бир тупда мевалар вазни Сардор F₁ дурагайида 5,54 кг/м² (116,1%), Орзу F₁ дурагайида 5,45 кг/м² (117,5%) ва ҳосилдорлик Сардор F₁ дурагайида 17,2 кг/м² (116,1%), Орзу F₁ дурагайида 17,0 кг/м² (117,5%) натижа кўрсатгани қайд этилди (3-расм).



3-расм. Турли мульчалош усулларида экилган бодрингнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)

Диссертациянинг “**Бодринг дурагайларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган бешинчи бобида иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодринг дурагайларини танлаш, уларни мақбул экиш муддатлари,

схемалари ва мулчаб етиштириш технологиясини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича ҳисоб-китоблар батафсил баён этилган.

Бодринг дурагайларидан Орзу F₁ (назорат), Даяра F₁, Сардор F₁, Фонтин F₁ дурагайларини танлов синови бўйича олиб борилган тажрибада юқори иқтисодий самарадорлик Сардор F₁ дурагайида кузатилди ва рентабеллик даражаси 123,1 фоизни ташкил этиб, назорат Орзу F₁ дурагайига нисбатан 28,0 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

Бодринг дурагайларини иситилмайдиган иссиқхоналарда мақбул экиш муддатларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда юқори иқтисодий самарадорлик дурагайларни 10 март муддатида экилганида кузатилиб, Сардор F₁ дурагайида 115,4 фоиз ва Орзу F₁ дурагайида 109,7 фоиз бўлганлиги қайд этилган.

Бодринг дурагайларини иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштиришнинг мақбул экиш схемаларини аниқлаш бўйича олиб борилган тажрибада юқори истисодий самарадорлик кўчатларни 80x40 см схемада экилган вариантларда аниқланди ва Сардор F₁ дурагайида 120,0 фоиз, Орзу F₁ дурагайида 115,8 фоиз бўлганлиги кузатилган.

Бодринг дурагайларини иситилмайдиган иссиқхоналарда мулчаб етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тажрибада юқори иқтисодий самарадорлик кўчатларни қора плёнка ёрдамида мулчаб етиштирилган вариантда қайд этилиб, Сардор F₁ дурагайида 123,5 фоиз ва Орзу F₁ дурагайида 119,8 фоиз бўлганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Иситилмайдиган иссиқхоналарда баҳорги муддатда бодринг дурагайларининг мевасининг техник етилиши назорат Орзу F₁ дурагайидан 4 кун эрта Хон F₁ дурагайи (55 кун), 1-2 кун эрта Даяра F₁, Осие F₁, Баҳора F₁, Эспенада F₁, Пиколино F₁, Фонтина F₁, Акцент F₁, Дурафшон F₁, Сардор F₁, Искандар F₁ дурагайлари пишди.

2. Дурагайларнинг ҳосилдорлиги назорат Орзу F₁ дурагайида 14,6 кг/м² бўлган бўлса, Пиколино F₁, Фонтина F₁, Даяра F₁ ва Сардор F₁ дурагайларида 15,4-16,7 кг/м² ёки 105,6-114,8% юқори. Назоратга тенг Элегант F₁, Хон F₁, Баҳора F₁, Азамат F₁, Аванте F₁, Искандар F₁ дурагайларида 14,3-15,0 кг/м² кузатилди. Қолган дурагайлар назоратдан кам бўлди.

3. Иситилмайдиган иссиқхоналарда баҳорги муддатда экиш учун бодрингни партенокарпик Даяра F₁, Сардор F₁, Фонтина F₁ дурагайлари тавсия этилади. Танлов синаш натижаларига кўра назорат Орзу F₁ дурагайида ҳосилдорлиги 14,5 кг/м² бўлган бўлса, энг юқори кўрсаткич Сардор F₁ дурагайида 17,1 кг/м² ёки назоратдан 117,5% юқори бўлди. Фонтина F₁ (16,5 кг/м²) ва Даяра F₁ (16,4 кг/м²) дурагайларида назоратга нисбатан 112,7-113,7% юқори олинди.

4. Иситилмайдиган иссиқхоналарда баҳорги муддатда етиштирилган бодрингни назорат Орзу F₁ дурагайидан соф фойда 142305 минг сўм бўлган бўлса, Даяра F₁ дурагайида назоратга нисбатан 32000 минг сўм, Сардор F₁ дурагайида 42000 минг сўм ва Фонтинада F₁ дурагайида 36000 минг сўм ортиқ бўлди.

Рентабеллик даражаси назорат Орзу F₁ дурагайида 95,1%, Даяра F₁, Сардор F₁ ва Фонтинада F₁ дурагайларида 116,4-123,1% ни ташкил қилди.

5. Иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда экиш муддати кечиккан сари меванинг техник етилиши тезлашди. Хусусан Сардор F₁ дурагайини 1 апрел экиш муддати (52 кун) 1 мартга нисбатан 10 кунга, 10 мартга нисбатан 6 кунга тезлашди. Орзу F₁ дурагайида 1 апрел экиш муддати (54 кун) 1 мартга нисбатан 7 кун, 10 мартга нисбатан 4 кун ва 20 мартга нисбатан 2 кун олдин содир бўлди.

6. Сардор F₁ дурагайида назорат экиш вариантыда (20 март) гектаридан ҳосилдорлик 13,9 кг/м² бўлган ва унга нисбатан 1 март ва 1 апрел экиш муддатларида ҳосилдорлик 1,5 ва 1,2 кг/м² га кам бўлган. Энг юқори ҳосилдорлик 10 март экиш муддатида 16,1 кг/м² бўлиб, назоратдан 2,1 кг/м² га ёки 115,5% кўп бўлган.

Худди шундай қонуният Орзу F₁ дурагайида ҳам намоён бўлди. Ҳосилдорлик назорат экиш муддатига (13,6 кг/м²) нисбатан 1 март ва 1 апрел экиш муддатларида 88,7% ва 93,2% ташкил қилган. Энг юқори ҳосилдорлик 10 март экиш муддатида 15,6 кг/м² ёки назоратга нисбатан 115,1% юқори бўлган.

7. Экиш муддатларида Сардор F₁ дурагайида соф фойда назорат вариантда (20 март) 130 816 минг сўм бўлган бўлса, энг юқори 10 март муддатида бўлиб, назоратга нисбатан 41889 минг сўм ортиқ бўлди ва рентабеллик даражаси

115,4% ташкил қилди.

Орзу F₁ дурагайида соф фойда энг юқори 10 март муддатида бўлиб, назоратга нисбатан 39574 минг сўм ортиқ ва рентабеллик 109,7 % ташкил қилди.

8. Меваларнинг техник етилиши экиш схемасида қатор ораларидаги масофа узайган сари тезлашган. Қатор ораси 60 см бўлганда мевалар 48-49 кунда, 30 см схемада эса 7-8 кунга кечиккан.

Экиш схемасига қараб бир туп ўсимликдаги жами мевалар вазни турлича бўлган. Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларида эгатлар ораси 80 см бўлиб қатордаги ўсимликлар ораси 30 см дан 60 см гача кенгайганда жами мевалар вазни 4,0 кг дан то 6,3 кг гача ошган.

Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайлари ҳосилдорлиги 80×50 см назорат вариантыда 13,9-14,0 кг/м² ва 80×40 см экиш схемасида анча юқори 16,4-16,1 кг/м² ёки 117,8-115,2% ни ташкил қилган.

9. Бодринг дурагайларининг экиш схемаларини иқтисодий самарадорлиги турлича бўлди. Рентабеллик даражаси Сардор F₁ дурагайида назорат вариантыда 93,7% бўлганда, энг юқори 80х40 см экиш схемасида 120% ташкил қилди. Орзу F₁ дурагайида 80×50 см назорат экиш схемасида рентабеллик даражаси 94,3% бўлган ва энг юқори 80х40 см экиш схемасида 115,8 % ташкил қилди.

10. Турли мулчалаш усуллари бодринг ҳосилдорлигига ижобий таъсир қилди. Сардор F₁ дурагайи ҳосилдорлиги очиқ назорат вариантыда 14,8 кг/м² бўлган бўлса, энг юқори қора плёнкада 17,3 кг/м² ёки 116,1 % ни ташкил қилди. Оқ спандбондда 16,3 кг/м², қора спандбондда 16,6 кг/м² ёки 109,6-111,5 фоизни ташкил қилган. Шундай кўрсаткичлар мос равишда Орзу F₁ дурагайида ҳам кузатилди. Турли мульчалаш усулларни рентабеллиги бодрингни Сардор F₁ ва Орзу F₁ дурагайларида қора плёнка ишлатилганда мос равишда 123,5-119,8%, оқ спандбондда 108,7-101,5% ва қора спандбондда 111,7-103,7% га тенг бўлди.

11. Ўзбекистонда иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда бодрингнинг F₁ дурагайлари етиштириш технологиясини такомиллаштириш асосида юқори самарадорликка эришишда ишлаб чиқаришга:

иситилмайдиган иссиқхоналарда бодринг экинидан юқори ҳосил олишда эртапишар Хон F₁, Пиколино F₁, Фонтин F₁, Даяра F₁ ва Сардор F₁ дурагайларидан фойдаланиш;

иситилмайдиган иссиқхона шароитида бодрингни етиштиришда уруғларни феврал ойининг биринчи ўн кунлигида ва кўчатларни март ойининг иккинчи ўн кунлигида 80х40 см схемада экиш;

эрта ва юқори ҳосил олишда эртапишар бодрингнинг Орзу F₁ ва Сардор F₁ дурагайлари қора плёнка билан мульчалаб етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

**НАУЧНО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

АМИНОВ ШЕРМУҲАММАД ҚАМБАРАЛИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ГИБРИДОВ F₁ ОГУРЦА В НЕОБОГРЕВАЕМЫХ ПЛЕНОЧНЫХ
ТЕПЛИЦАХ УЗБЕКИСТАНА**

06.01.06-Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Узбекистана за номером В2022.2.PhD/Qx791.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sabpkiti@iim.uz) и Информационно-ресурсном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	Хакимов Рафикжон Абдунабиевич Кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Асадов Шухрат Исмаатович, Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Борасулов Акмал Миряимович, Доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация	Самаркандский институт аграрных инноваций и исследований

Защита диссертации состоится «23» октября 2025 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD. 05/30.09.2022.Qx.152.01 при НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, п/о Куксарой, НИИОБКиК. Тел.: (+99878) 226-85-03; факс: (+99878) 226-85-03; e-mail: savzavot_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (зарегистрирована под номером 5/2025) (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, п/о Куксарой, НИИОБКиК. Тел./факс: (+99878) 226-85-03).

Автореферат диссертации разослан «_____» октября 2025 года
(Реестровая выписка № _____ 2025 г.)

Р.А.Низомов
Председатель ученого совета по присуждению ученой степени, д.с.х.н., профессор

Ф.Ф.Расулов
Ученый секретарь ученого совета по присуждению ученой степени, д.ф.с.х.н.

А.Ж.Шокиров
Председатель научного семинара при ученом совете по присуждению ученой степени, д.с.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из важных задач в отрасли овощеводства является увеличение площадей и объемов выращивания огурца. Согласно данным, опубликованным FAOSTAT⁶ в 2022 году, мировое производство огурца составило 94,9 млн. тонн. Лидерами по производству огурца являются такие страны, как Китай (77,3 млн. т.), Турция (1,9 млн. т.), Россия (1,6 млн. т.), Мексика (1,1 млн. т.). В то время как в Нидерландах, лидирующих по выращиванию огурца в теплицах, урожайность составила 635,1 т/га, в Исландии - 521,5 т/га, в Великобритании - 508,3 т/га и в Омане - 500,0 т/га, средняя урожайность этой культуры в масштабах стран мира составляет 60,2 т/га. Внедрение высокоурожайных, устойчивых к болезням гибридов огурца, пригодных для выращивания в теплицах в различных почвенно-климатических условиях, является одной из актуальных задач.

В Китае, Турции, России, Мексике и странах Европы, которые являются мировыми лидерами в производстве огурца, богатых питательными веществами и витаминами для организма человека, проводятся исследования по созданию сортов и гибридов огурца для выращивания в отапливаемых и необогреваемых теплицах, технологии выращивания, питания и хранения. В Нидерландах, Германии, Италии, Исландии, Бельгии, Италии, Южной Корее, Китае и других странах огурцы выращивают в современных теплицах с использованием гибридов. Несмотря на то, что в этих странах достигнуты значительные успехи в выращивании огурца, обеспечении внутреннего и внешнего рынка продукцией в достаточном объеме, продолжаются исследования по созданию новых гибридов, пригодных для неотапливаемых теплиц и разработке интенсивных технологий.

По состоянию на 2024 год общая площадь выращивания огурца в теплицах Узбекистана составляет 972 га, валовой сбор - 63,4 тыс. т., а средняя урожайность - 65,2 т/га. Как известно, огурец входит в десятку самых экспортируемых овощей не только в Узбекистане, но и во всем мире. Расширение площадей теплиц в нашей стране, увеличение объемов выращивания в них наиболее востребованных овощных культур, таких как огурец, позволит увеличить объемы выращивания овощных культур в обеспечении здорового образа жизни населения нашей страны. Исходя из этого, изучение и внедрение новых гибридов огурца в необогреваемых теплицах, определение оптимальных сроков и схем их посадки, а также разработка высоких урожаев с помощью мульчирования является одним из актуальных научных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5388 от 29 марта 2018 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодовоовощеводства в Республике Узбекистан”⁷ и

⁶ <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

⁷ <https://lex.uz/ru/docs/3604601>

постановлениях ПП-4549 от 11 декабря 2019 года “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию цепочки добавленной стоимости в отрасли”⁸, ПП-216 от 7 июня 2023 года «О дополнительных мерах по повышению качества и эффективности путем интеграции науки, образования и производства в аграрной сфере»⁹ и Указе УП-158 от 11 сентября 2023 года «О Стратегии «Узбекистан – 2030»»¹⁰ а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

